O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2008 йил 18 октябрь ШАНБА

№ 83 (12.094)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

www.th.uz

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

## ИЧКИ БОЗОРДА ТАЛАБ КАТТА

**Зангиота туманида фаолият юритаётган "Dentafil-plus" корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар аллақачон ўз харидорларини топиб улгурди. Корхона мутахассислари бунинг сабаби энг аввало, тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифатлилиги, қолаверса, ҳамёнбоплигида эканини таъкидлашмоқда.**

Айни вақтда қирққа яқин маҳаллий ёшлар иш билан таъминланган корхонада асосан "Denta-gam" ёрлиғи остидаги тиш ювиш пасталари ишлаб чиқарилмоқда. Замонавий ишлаб чиқариш технологиялари билан жиҳозланган корхонада бундан ташқари турли хил дори-дармонлар, шунингдек, тиббиёт вазелинлари, косметика воситалари ҳам тайёрланмоқда.

Ҳозиргача маҳсулотларнинг асосий қисми ички бозорларда сотилмоқда. Негаки, бу турдаги арзон ва сифатли маҳсулотларга ўзимизда ҳам талаб ниҳоятда юқори. Корхона жамоасининг эзгу мақсади ички бозорларни шундай сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш баробарида хорижлик ишбилармонлар билан ҳам манфаатли алоқаларни йўлга қўйишдир.

**Алишер РАҲМАТОВ.**



**СУРАТДА:** Баҳодир Орифхўжаев ҳамда Дилафрўз Исроилова айнан шу жамоада ишлаётганликларидан мамнунлар.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

**2008 йил 17 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда жорий йилнинг 9 ойида республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳар томонлама муҳокама қилинди ҳамда ҳукуматнинг 2008 йил 8 февраль ва 18 июлдаги мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор вазифаларини бажаришни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.**

Мажлисда жорий йилнинг ўтган 9 ойида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 9,4 фоизни, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши 12,4 фоизни, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши 18,4 фоизни, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳажми ўсиши 4,1 фоизни, хизматлар кўрсатиш ҳажми ўсиши 18,5 фоизни ташкил қилгани қайд этилди. Экспортнинг юқори суръатларда ўсиши ташқи савдо айланмасининг салмоқли ижобий сальдосини таъминламоқда. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,9 фоиз профицит билан ижро этилди, инфляция даражаси прогноз кўрсаткичларидан ошмади.

Қулай инвестиция муҳити ва Инвестиция дастури, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурлари фаол амалга оширилиши ўзлаштирилган инвестицияларнинг 22,4 фоизга, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг 33,5 фоизга ўсишини таъминлади. 284 та ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди. "Шўртан" конида пропан-бутан аралашмасини олиш қурилмасининг учинчи ва тўртинчи навбати, Андижон вилоятидаги "Алёртекс" тўқимачилик фабрикаси, Жиззах вилоятидаги "Замонавий полимер қувур" полимер қувурлари ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона, Тошкент вилоятидаги "Ост-Милч" сутни қайта ишлаш заводи шулар жумласидандир.

Тадбиркорликни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, солиқ юкини камайтириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес салмоғини ўтган йилнинг тегишли давридаги 43,1 фоиз ўрнига 45,3 фоизгача ошишини таъминлади.

Мақсадли комплекс ривожлантириш дастурларини фаол амалга ошириш туфайли 545,2 мингта, шу жумладан хизматлар ва сервис соҳасида 188,2 мингта, касаначиликни ташкил этиш ҳисобига 85,1 мингта янги иш ўринлари ташкил этилди.

Вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг эътибори иқтисодиётнинг ўсишини ва ишлаб чиқаришни модернизация қилишни таъминлашда эришилган ижобий натижаларни мустаҳкамлашга, келгуси йилда иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун мустаҳкам замин яратишга йўналтирилган қўшимча чора-тадбирлар кўриш зарурлигига қаратилди.

Мажлисда иқтисодиёт тармоқлари ва республика ҳудудларида норентабель, ишламаётган ва истиқболи йўқ корхоналар, кам самарали акциядорлик жамиятлари сонини камайтириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар натижалари танқидий кўриб чиқилди. Зарар кўриб ишлаётган корхоналарни молиявий соғломлаштириш, банкрот корхоналарни самарали ишлайдиган мулкдорларга сотишни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўрилиши зарурлиги қайд этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, хўжалик бирлашмалари, вазирликлар ва идораларга банкрот корхоналарнинг сотиб олинган ва бугунги кунда ишлатилмаётган мол-мулки асосида бозорда рақобатбардошли ва талаб юқори бўлган маҳсулотлар чиқарадиган замонавий ишлаб чиқаришлар ташкил этиш юзасидан аниқ таклифлар киритиш топширилди.

Мажлисда молия-банк тизимининг жорий йилнинг 9 ойидаги фаолияти якунлари ва умуман 2008 йилда кутилаётган кўрсаткичларини муҳокама қилишга алоҳида эътибор берилди. Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларини қамраб олган молиявий инқироз кўламлари кенгаётганига қарамай, Ўзбекистон банк тизими ишончлилиги ва барқарор ривожланаётгани, хорижий молиялаштириш манбаларига қарамлиги йўқлиги ва ташқи инқироз ҳолатларининг салбий таъсирларига берилмаслик хусусиятлари билан ажралиб туриши алоҳида таъкидланди. Мамлакатимизда банкларнинг капиталлашувини изчил ошириш, уларнинг активларини диверсификациялашни чуқурлаштириш ва сифатини яхшилаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, шунингдек, республика банкларининг узоқ муддатли ресурсларни жалб этиш асосида барқарор ресурс базасини шакллантиришга йўналтирилганлиги республика банк тизимининг янада мустаҳкамланиши ва ишончлилиги ошишига кўмак бермоқда. Аҳолининг мамлакатимиз банк тизимига бўлган ишончи мустаҳкам бўлиб, банклардаги аҳоли омонатлари ҳажми кейинги 5 йилда 8,6 баравар, шу жумладан жорий йилнинг 9 ойида 1,5 баравар ўсгани шундан далолат беради.

Тижорат банкларининг раҳбарлари эътибори таркибий қайта ўзгартиришлар жараёнларида, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари ишлаб чиқаришларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашда, юқори сифатли, жаҳон ва ички бозорларда рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган истиқболли ва юқори самарали инвестиция лойиҳаларини танлаш ва амалга оширишда ўз маблағлари ва жалб этилган капитал билан қатнашишни янада фаоллаштириш зарурлигига қаратилди. Шу муносабат билан Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Асакабанк, шунингдек, жорий йилда капиталлашув даражасини янада ошириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор қарорлари қабул қилинган Ўзсаноатқурилишбанк, Пахта-банк ва Ғалла-банк сингари етакчи тижорат банкларининг роли алоҳида таъкидланди.

Шу билан бирга, суғурта бозорининг профессионал қатнашчилари фаолиятини янада такомиллаштириш ва айниқса қишлоқ жойларда улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар доирасини кенгайтириш, сифатини яхшилаш ва улардан фойдаланишда қулайликлар яратиш, шунингдек, суғурталовчилар манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар кўриш зарурлиги қайд этилди.

(Давоми 2-бетда).

Вилоят ҳаёти

### «ШИРИН НОН» ХИЗМАТИНГИЗДА

**Янгийўл тумани Халқобод қўрғонида нон ва нон маҳсулотлари тайёрловчи "Ширин нон" қўшма корхонаси ишга тушди.**

Германиянинг "Steinert Industries GmbH I Co. KG" компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган нон заводи бир кеча-кундузда 20 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Корхонага Россиянинг "Восход" фирмасида ишлаб чиқарилган янги техник ускуналар ўрнатилгани ишлаб чиқариш унумдорлигини оширди. Режага кўра, тўрт йил ичида сарф-харажатлар оқланиб, фойда олиш кўзда тутилган.

**«Туркистон-пресс».**

### ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАДА НАМОЙИШ ЭТИЛАЯПТИ

**Зангиоталик қўли гул ҳунарманд Ғайрат Раҳматуллаевнинг ишлари Туркиядаги халқаро кўргазмада намойиш этилмоқда.**

Кўргазмага асосан қоғозга ишланган асарлар юборилган. Уларда ўзбек миллий қаҳрамонлари, урф-одатларимиз ва анъаналаримиз таъсирли қиёфа ва ёрқин рангларда акс эттирилган.

Ҳунарманднинг айтишича, Туркияда миллий ҳунармандчилигимизга қизиқиш катта.

**Ҳуррият МЎМИНОВА.**

### ЭНГ ЯХШИ ДАСТУРИЙ МАҲСУЛОТ

**"Фидо-Бизнес" компанияси ўзининг 15 йиллигини нишонлади. Дастурий маҳсулотлар, қолаверса, иқтисодиётимиз ривожи учун хизмат қилувчи йирик лойиҳалар яратиш билан шуғулланиб келаётган бу компания автоматлаштирилган лойиҳалаштириш тизими йўналишида ҳам фаоллик кўрсатмоқда.**

"Энг яхши дастурий маҳсулот йил тамғаси" танловида эса компания ўзининг бир неча ишланмалари билан қатнашди. Олмалиқ кон-металлургия комбинати ҳамда "Чирчиқкимёмаш" корхоналарида амалга оширилган лойиҳалар ушбу танловда энг яхши дастурий маҳсулот деб топилди.

**Акбар АЛИЕВ.**

21 октябрь – «Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилинган кун

## ЎЗЛИГИМИЗ ТИМСОЛИ

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий қадриятларни тиклаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан 19 йил олдин ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши миллий мустақилликка эришиш йўлидаги муҳим қадам бўлган эди.**

Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили – миллатнинг руҳидир.

Ҳали собиқ иттифоқ парчаланмай Ўзбекистонда "Давлат тили ҳақида"ги қонун қабул қилинди. Ўзбек тилининг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, уни том маънодаги миллий қадриятга айлантириш йўлида улкан ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам давлат тилининг мақоми ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди. Шу тариқа ўзбек тили мустақил давлатимизнинг Байроғи, Герби, Мадҳияси, Конституцияси қаторида турадиган, қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас тимсолларидан бирига айланди.

Давлат тили ҳақидаги қонуннинг қабул қилиниши тилимизнинг жамиятдаги мавқеини кўтарди.

Бундан ташқари, ўзбек тилининг халқаро миқёсда ҳам обрўси ошиб, фаол мулоқот воситасига айланиб бормоқда. Хусусан, турли даражадаги расмий учрашув ва суҳбатлар, музокараларда тилимизнинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётгани, нуфузли халқаро анжуманлар ва бошқа тадбирларда ўзбекона калом янграши, хориждаги қатор таълим даргоҳларида, илмий муассасаларда ўзбек тилини ўрганиш марказлари ташкил этилаётгани, ўзбек тилини ўрганувчилар, унга қизиқувчилар сони жадал ортиб бораётгани барчамизга фахр-ифтихор бахш этади.

"Давлат тили ҳақида"ги қонун ўзбек тили тараққиётида янги даврни бошлаб берди. Мустақиллик йилларида тилимизни илмий асосда ривожлантиришга қаратилган тадқиқотлар амалга оширилди, унинг ўзига хос хусусиятларига бағишланган адабиётлар, кўплаб луғатлар яратилди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти томонидан тайёрланган "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" тилимиз изчил ривожланаётганидан далолат беради. Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги байрами арафасида нашр этиш ишлари якунланган беш жилдли мазкур изоҳли луғат ўзбек адабий тилида истеъмолда бўлган 80 мингдан ортиқ сўз ва сўз бирикмасини, фан, техника, санъат ва маданият соҳаларига оид терминларни, тарихий ва эскирган атамаларни ўз ичига олган.

Ўзбек тилининг қўлланиш доираси тобора кенгайиб бормоқда. Хусусан, тилимизнинг ахборот коммуникация технологиялари, компьютер ва Интернет, аниқ фанлар, тиббиёт, иқтисодиёт ва бошқа махсус термин ва тушунчаларни талаб қиладиган соҳаларда ҳам кенг қўллана бошлагани унинг имкониятлари катта эканини кўрсатади.

Тилимизни қадрлаш, ёш авлодни она тилига ҳурмат руҳида тарбиялашда буюк аждодларимизнинг бу борадаги эзгу аъмоллари биз учун катта сабоқдир. Бунга боболанимиз Алишер Навоий ижоди мисолида ҳам амин бўлишимиз мумкин.

(Давоми 2-бетда).

**1989 йил 21 октябрь Ўзбекистон Республикаси Давлат тили ҳақидаги қонун қабул қилинган кун сифатида тарих саҳифаларидан мустаҳкам ўрин олди.**

## БОЙ ВА ЧИРОЙЛИ ТИЛИМИЗ БОР

Азал-азалдан халқимиз тил, ватан, она сўзларини уйғун тарзда "Она тили", "Она Ватан" деб эъзозлайди. Бунда катта маъно бор. Ҳар бир ўзбек фарзанди ана шу уч тушунчани муқаддас деб билади ва қадрлайди.

Буюк сўз устаси Абдулла Қаҳҳор фахр билан айтганидек, "Жуда бой, чиройли тилимиз бор. Бу тилда ифода этиб бўлмайдиган фикр, туйғу, ҳолат йўқ!" Бунга жаҳон адабиёти тарихида кўзга кўринган ёзувчиларимиз томонидан ишлатилган сўзлар миқдорини солиштирганимизда яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

Қаранг, Александр Пушкин, Вильям Шекспир, Мигел Сервантес, Абдураҳмон Жомий каби буюк сўз ижодкорлари ўз асарларида 17-21 мингта сўз ишлатган бўлсалар, Алишер Навоий 26 мингдан зиёд сўздан фойдаланган экан.

Республикамизда ҳар йили 21 октябрь Давлат тили ҳақидаги қонун қабул қилинган кун сифатида кенг нишонланади. Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги бизнинг академик лицейимизда ҳам бу байрамга алоҳида тайёргарлик кўриш анъанага айланиб қолган. Ушбу санага ўн тўққиз йил тўлиши муносабати билан лицейимизнинг барча гуруҳлари орасида "Энг яхши деворий газета" ва "Она тилим – абадий мангу" мавзусида иншолар кўрик-танлови эълон қилиниб, адабий-бадиий тадбирга тайёргарлик кўрилмоқда. Тадбирда иқтидорли ўқувчиларимиз ўз ижод намуналари, куй ва қўшиқлари билан қатнашадилар. Тилимиз мавқеи, салоҳияти ва қудратини кўрсатувчи, шу билан бирга баъзан учраб турадиган тилга эътиборсизлик ва бефарқлик танқид остига олинган саҳна кўринишлари тайёрланди. Мақсадимиз, ўсиб келаётган ёш авлодни ўзбек тилида чиройли ва соф сўзлашга, ўз она тилини Ватандай азиз билиб, уни қадрлашга ўргатишдир.

**Нилуфар ҚОДИРОВА, ўқитувчи.**

Қишлоқ мулкдорлари

## ҚЎЛИ ОЧИҚНИНГ ЙЎЛИ ОЧИҚ

**Чинозда бўладиган ҳар қандай йиғилиш ёки тадбирларда "Болтабой ота" фермер хўжалиги ҳақида гап кетса, хўжалик бошлиғи Улуғбек Қаршибоевнинг хайрли ишлари биринчи галда тилга олинади. Масалан, фермер 6-умумтаълим мактабини оталиққа олган.**

Беистисно ҳамма байрамларда мактаб дарвозасидан биринчи бўлиб Улуғбек фермер қўйни-қўнжини совғаларга тўлдириб, кириб келади. Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатишдан ташқари, қорамол бериш ҳаракати бошланганда ҳам Улуғбек Қаршибоев биринчилардан бўлиб енг шимарди. Ҳозир фермернинг ҳиммати билан 6 та хонадондан сут-қатиқ аримаяпти. Бундан ташқари, фермер хўжаликда ишлаётган 30 аъзонинг турмушидан хабар олиб туришни канда қилмайди. Ишчиларнинг тўй-ҳашами ва маъракаларида ўзи елиб-югуриб хизмат қилади.

Фермернинг саховатпешалиги бежиз эмас. Зеро, даромадга қараб буромад дейдилар. Улуғбек фермернинг бугунги кундаги фаолияти, қўлга киритаётган натижалари чакки эмас.

У раҳбарлик қилаётган хўжалик 1999 йилда ташкил этилган бўлиб, ўша вақтларда атиги 20,5 гектар майдонда иш бошланган эди. Майдоннинг ярмига буғдой, қолганига эса пахта экиларди. Кичик майдондан олинаётган даромад ҳам ҳаминқадар эди. Фермерликнинг ҳадисини олган Улуғбек 20 гектар далада айланиб юришга ортиқ тоқат қилолмади. Дилига туккан орзу-ҳавас ва ниятларини бошқача йўл билан амалга оширишни кўзлади. Ўтган йили 100 гектар майдонни тендерда ютиб олди. Хўжалик аъзолари ҳам икки баравар куч-ғайрат билан ишга киришиб кетишди. Майдоннинг 80 гектарига "С-6524" пахта нави экилиб, 40 центнердан ҳосил кўтарилди. Ўн кунда 120 тонна хирмон уюлиб, шартнома мажбурияти биринчилардан бўлиб бажарилди. Олинган соф даромад 40 миллион сўмдан ошди.

Хўжалик аъзоларининг бу йилги ғалла шартномаси ҳам ошиғи билан бажарилди. Хўжалик 28 миллион сўм соф фойда кўрди.

– 10 йиллик тажрибамдан шуни билдимки, фермер ҳеч қачон ўзидан ва қилаётган ишидан қониқиш ҳосил қилиб, хотиржамликка берилмаслиги керак экан. Акс ҳолда бир жойда ўз қобиғига ўралиб, олдинга интилишдан тўхтайди. Бу эса қишлоқ мулкдорларига ярашмайди – дейди Улуғбек Қаршибоев. – Мен ҳам фаолиятимни кенгайтирмаганимда, кўрсаткичларимизни ошира олмасдик. Демак, ишчиларнинг моддий аҳволини яхшилай олмасдик. Қолаверса, ҳомийлик масалаларида ҳам ўйлаброқ иш тутишга тўғри келарди.

Дарҳақиқат, фермер янгилик излагани-излаган. Интилишдан ҳеч чарчамайди. "Пахтабанк" туман бўлимидан олган имтиёзли кредит ғалла мавсумида анча асқотди. Уғит ва зарур эҳтиёт қисмларни етказиб беришда муаммо бўлмади.

Яна бир гап. Ҳозир "Болтабой ота" фермер хўжалигида ўз маблағига сотиб олган "МТЗ-80" трактори, культиватор ва "ОВХ" пуркагичи каби техникалар бор. Келгусида битта "ДТ-75" ер ҳайдов трактори ва битта "Класс" комбайнини харид қилиш ниятида. Бу эса хўжалик фаолиятининг техник имкониятларини янада кенгайтиради. МТПлар кўмагига қараб ўтиргандан кўра ўзингникини беминнат ишлатганга нима етсин.

– Илгарилари дала шийпонлари нафақат хўжаликларнинг, балки қишлоқларнинг кўрки эди, – дейди фермер. – Охирги пайтларда шийпонларга эътибор сал сусайгандек, назаримда. Яширмайман, иш билан бўлиб, ўзимизнинг дала шийпонимизни барпо этишга жиддий қарамаяпмиз. Аммо, тез орада бу ишга киришмоқчимиз.

Фермер келгусида қаҳвахона, ошхона ҳамда маиший хизмат шахобчаларини қуриб, ишга туширишни ўйлаб қўйган. Шу билан бирга сутни қайта ишлаш миницехи лойиҳаси устида бош қотираётганини ҳам яширмади.

**Хуршида НАЗАРОВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

2009 йил учун обуна давом этмоқда
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг индекси – 205.

